

**Давлат харидини амалга ошириш буйича  
ТЕХНИК ТОПШИРИК**

<b>№</b>	<b>Бўлинма номи</b>	<b>Бўлинма изоҳлар</b>
1	Буюрмачи ташкилот номи	Бухоро вилояти Олот туман махалла ва нуронийларни куллаб кувватлаш маркази
2	Объект номи	Олот туман Асажам МФЙ биносини янгидан куриш хизмати
3	Танлов тури:	Очиқ
4	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили:	Максус электрон портал <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a>
5	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва санаси	Бухоро вилояти Олот туман хокимлиги биноси 73 уй. Максус электрон порталда <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> даги зълонда белгиланган муддат давомида.
6	Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг микдори ва шакли	Банкдаги хисоб ракамида 20 фоиз маблаг мавжудлиги тугрисидаги маълумотномаси
7	Танлов ўтказиш тўгрисидаги зълон чоп этишга рухсат этилади	Максус электрон портал <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a>
8	Танловда иштирок этишга қўйидаги иштирокчиларга рухсат этилади	Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан махаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин
9	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса)	Талаб этилмайди
10	Иштирокчиларнинг танлов хужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати	Таклифларни бериш муддати зълон савдоға ўтказилган кундан тугаш вақти оралигига электрон тартибда жойлаштирилади.
11	Танлов таклифларини тақдим килиш муддатлари	<a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> даги зълонда белгиланган муддат давомида.
12	Танлов хужжатининг тили	Ўзбек
13	Танлов таклифининг амал килиш муддати	Танлов таклифлари <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> порталига жойлаштирилган кундан бошлаб 5 иш кун
14	Танлов предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари	Талаб этилмайди
15	Кўшимча хужжатлар рўйхати	Объект юйматининг 20% микдорида айланма маблаглар мавжудлиги тўгрисида банк маълумоти ёки айланма маблаглар билан таъминлаш тўгрисида банк кафиллиги. Ушбу хужжатни тақдим килемаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади.
16	Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофик бўлиши керак:	шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги; шартнома тузиш учун конуний қукукса эгалик; соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги.
17	Танлов таклифларини кабул юлишининг охирги вақти <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> сайтида кўрсатилган вақт ва муддат электрон шаклда тегишли маълумотномалари билан жойлаштирилиши шарт	Таклифларни кабул юлишининг охирги вақти <a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> сайтида кўрсатилган вақт ва муддат электрон шаклда тегишли маълумотномалари билан жойлаштирилиши шарт
18	Танлов таклифларини олиш манзили	<a href="http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)">http://xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz)</a> сайти оркали
19	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	10 кунгача
20	Иштирокчиларнинг молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган иштирокчилар	Комиссия томонидан овозга қўйиш оркали (умумий хужжатлар тўпламида 50% дан юкори бўлганлар)
21	Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш (максулот етказиб бериш) муддати	60 кун
22	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблаглари хисобидан
23	Молиялаштириш тартиби	Бунда: Танловда голиб чиккан иштирокчига шартнома бўйича ишлар умумий юйматининг 30 % микдорида
24	Шартнома тили	Ўзбек тилида
25	Шартнома валютаси	Сумда
26	Мурожаат учун телефонлар	107-296-26-14
27	Мурожаат учун масъул шахс	Бош хисобчи Д. Тахиров 972962614





«ТАСДИКЛАЙМАН»

Олот туман

рахбар

Деяғыр В.Дзумқадев

2021

йил «14» X даги

«1» -сонли баённомасига

ИЛОВА

(мазкур баённома ҳар бир буюртмачи

танлов ҳайъати томонидан кўриб

чиқилиб тасдиқланади)

## ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Танлов ҳайъатининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 7-боб, 56-63-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметидан қатъий назар, танлов ҳайъати томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланиши мумкин.

1.3. Танлов ҳайъати, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида доимий орган), буюртмачининг буйруғи ёки бошқа фармойиш берувчи хужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботига доир масалаларни кўриб чиқишга, муҳокама этиб тасдиқлашга ҳукуклидир.

### 2. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Танлов ҳайъатининг дастлабки йигилиши, танлов хужжатининг расмийлаштириш жараёнида комиссия:

1. Ўз иш регламентини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун ҳайъат раисига тақдим этади;

2. Кўриб чиқади ва тасдиқлади:

- таклифларни кўриб чиқиш мезонларини;

- таклифларни очиш куни, вақти ва жойини белгилайди (махсус ахборот порталида ёки <http://dxarid.uzex.uz> сайтида эълон қилинган кундан бошлаб ахборот порталида белгиланган муддат тугагандан сўнг 3 (уч) иш кунида буюртмачи манзилида;

- айрим сабабларга кўра танлов ўтказилмай қолган тақдирда, тақроран танловни ўтказиш ҳакидаги эълон маҳсус ахборот порталида ёки <http://dxarid.uzex.uz> веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан олдин бўлмайди.

2.2. Ишларни хизматларни амалга оширишда қийматларидан, муддатларидан ва ишларнинг хусусиятидан қатъий назар, ҳар бир обьект бўйича таклифлар алоҳида кўриб чиқлади.

2.3. Танлов ҳайъати қайсидир битта танлов иштирокчисига устунлик берадиган танлов таклифлари белгилашга ҳукуки йўқ.

2.4. Танлов ҳайъати йигилишларда, қоидага кўра, таклифлар солинган конвертларни очади, малакавий баҳо беради ёки бошқа қарорлар қабул қиласди.

2.5. Йигилишларда танлов (тендер) ҳайъат раиси томонидан тасдикланадиган ва иштирок этган барча танлов (тендер) ҳайъат аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.6. Танлов ҳайъати котибининг вазифаларига танлов ҳайъатининг ишчи хужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳар бир бўлиб ўтган йигилишларни баённомалаштириш киради, бунда ҳайъат котиби мустақил овоз бериш хукуқига эга эмас.

2.7. Қоидага кўра, танлов (тендер) ҳайъатининг котиби этиб, танлов савдоси буюрмачисининг вакили тайинланади.

### **3. ТАКЛИФЛАРНИ ОЧИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ**

3.1. Таклифларнинг очилиши танлов ҳайъатининг йигилишларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.2. Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда ҳарид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

### **4. ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

4.1. Талабгорлар орасида ишлар хизматлар (лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари) ишлаб чиқиш учун энг мақбул таклиф голиб деб ҳисобланади.

4.2. Танлов ҳайъатининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар маҳфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.3. Танлов ғолиблари ҳайъат томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон қилинади.

4.4. танлов ҳайъат томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилган қарори якуний ҳисобланади ва шартнома имзоланади.

### **5. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ**

5.1. Танлов ҳайъати талабгордан давлат Буюртмачилигида қандай объектларда (лойихалаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини) амалга оширганилиги ҳақида тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида талаб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

5.2. Танлов ҳайъати ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг талабларида мос келмаганда, нотўгри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ҳоллар аникланганда;

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;

- агар талабгорлар қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;

- муассислик хужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-хукуқий ёки молиявий boglik бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;

- талабгорни четлатишга ва таклифларни кейинчалик ўрганмасдан танловдан четлаштиришга ҳаклидир.

5.3. Танлов ҳайъат танловларни ўтказиши жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиқсан фикр-мулоҳаза ва талабларни 15 кунлик муддатдан ошиб кетмаган ҳолда кўриб чиқиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш хукуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиқсан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

5.4. Танлов ҳайъати талабгор томонидан тақдим этилган хужжатининг таркиби бўйича изоҳлар билан тушунтиришлар киритишига йўл қўйишга ҳаклидир. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нарҳи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов ҳайъати кўйидаги ҳолларда:

- танлов ҳайъати томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам таклиф келиб тушса;

- барча таклифлар танлов хужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

- талабгорлар томонидан тақлиф этилган нархлар эълон қилинган бошланғич нарҳга нисбатан юқори бўлганда;

- танлов ҳайъати томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб ҳисоблашга ҳаклидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов ҳайъатининг мулкий ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов ҳайъати танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизида бўлса.

## 6. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

### 6.1. Танлов ҳайъати:

- танлов тартиботининг босқичларида кворумсиз (танлов ҳайъати аъзоларининг сони етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ва ёки танлов хужжатларининг талабларини ҳисобга олмасдан туриб танлов ҳайъати томонидан қарор қабул қилинишига;

- талабгордан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни хужжатли шаклда тақдим этишининг асоссиз талаб қилиниши;

- тақлиф мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

- танлов голибининг танлов ҳайъатининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов голибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;

- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур иш тартиби танлов хужжатининг ажралмас қисмидир ва танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов ҳайъати раиси томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.